

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/31.12.2020.I.09.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ МИЛЕНА ВЛАДИМИРОВНА

**ИНТЕГРАЦИОН РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСИДА НЕФТ-ГАЗ
КОМПЛЕКСДАГИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК КОРХОНАЛАРНИ
МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Economical
Sciences**

Загребельская Милена Владимировна	3
Интеграцион режалаштириш асосида нефт-газ комплексдаги юқори технологик корхоналарни моддий-техник таъминлаш самарадорлигини ошириш	
Загребельская Милена Владимировна	27
Повышение эффективности материально-технического обеспечения высокотехнологичных предприятий нефтегазового комплекса на основе интегрированного планирования	
Zagrebelskaya Milena Vladimirovna	51
Increasing the efficiency of procurement at an high-technological enterprises of the oil and gas complex on the basis of integrated planning	
Эълон қилинган ишлар рўйхати	55
Список опубликованных работ	
List of published works	

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/31.12.2020.I.09.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ МИЛЕНА ВЛАДИМИРОВНА

**ИНТЕГРАЦИОН РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСИДА НЕФТ-ГАЗ
КОМПЛЕКСДАГИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК КОРХОНАЛАРНИ
МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt638 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tstu.uz) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хашимова Наима Абитовна иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шадиева Гулнора Мардиевна иктисодиёт фанлари доктори, профессор Ивонина Ирина Эрнстовна иктисодиёт фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкентдаги филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.15/31.12.2020.I.09.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент ш., Адилходжаев кўчаси, 1-ўй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54. E-mail: rektorat@tstu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Адилходжаев кўчаси, 1-ўй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54. E-mail: rektorat@tstu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

О. К.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

М.И.Ақбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, PhD

А.А.Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларидаги глобал рецессия шароитида таъминот занжиридаги жараёнларни оптималлаштиришга қаратилган интеграциялашган технологияларни жорий этиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Консалтинг ва тадқиқотлар ўтказиш бўйича машҳур халқаро Deloitte¹, EY², IBM³, Oracle⁴, PwC⁵ компаниялари томонидан ҳар йили таъминот занжирида интеграллашган режадан фойдаланувчи энг яхши амалиётчиларни аниқлаш бўйича олиб бораётган тадқиқотларини, кичик бизнес ва саноат корхоналари томонидан бўлаётган қизиқишлар ҳам тасдиқлайди. Таъминот занжири соҳасидаги олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики логистик хизматлар харажатларини 1% га камайиши сотув ҳажмини 10% га ҳамда рентабеллик даражасини 10-16% га ошишига тенг.⁸ Интеграциялашган режалаштириш технологиясини жорий этиш нефт-газ комплекси корхоналарининг логистик харажатларини камайтириш ва таъминот занжирида бизнес жараёнларини оптималлаштириш учун хизмат қилади.

Нефтегаз соҳасидаги етакчи корхоналарда интеграцион режалаштиришни жорий этишнинг хорижий тажрибаси шуни намоён этмоқдаки ишлаб чиқариш захираларини 20% га, таъмирлаш харажатларини 5-15% га, лойиҳа капитал харажатларини 2-3% га, операцион харажатларни 5-10% га камайтиради, қувурларни бузилиш оралиғи 15-25% га қисқаришига, активлар рентабеллигини 5% га ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 3-5% га оширади⁶ ҳамда корхона харажатларини оптималлаштиришда ижобий самара беради. Кенг тарқалган рақамлаштириш ва саноат инқилоби (Саноат 4.0) ишлаб чиқариш харажатларини деярли максимал чегарагача камайтиришга имкон берди, аммо нефтегаз корхоналари таъминот занжирида логистика харажатларини камайтириш учун ҳали катта имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси нефтегаз мажмуаси компанияларида таъминот занжирида ҳаракатларни мувофиқлаштириш етарли даражада бўлмаганлиги маҳсулот нарҳида логистик харажатларнинг улушининг 25% ошишига олиб келмоқда. АҚШ ва Ғарбий Европада бу кўрсаткичлар атиги 11-12% ташкил қилади⁷. Шу билан бирга захираларни бошқариш самарадорлигини

¹Deloitte. Integrated Business Planning. 2018. https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/de/Documents/operations/Deloitte_Integrated-Business-Planning.pdf (Дата обращения 23.03.2018)

² EY. Integrated business planning: Unlocking business value in uncertain times. 2015. <file:///C:/Users/MIlena/Downloads/ey-integrated-bus-plan-report-final.pdf> (Дата обращения 28.02.2020)

³ IBM. Integrated planning: The key to agile enterprise performance management. 2019 <https://www.ibm.com/downloads/cas/L6QOBA3N> (Дата обращения 23.03.2018)

⁴ Oracle. Digital Supply Chain with Integrated Business Planning. 2019. <https://www.oracle.com/a/ocom/docs/industries/automotive/integrated-business-planning-ds.pdf> (Дата обращения 23.03.2018)

⁵ PwC. Integrated Business Planning. 2018. <https://www.pwc.com.au/consulting/assets/publications/integrated-business-planning-oct12.pdf> (Дата обращения 16.02.2021)

⁸ Лукинский В.С., Лукинский В.В., Плетнева Н.Г. Логистика и управление цепями поставок. – М.: Юрайт, 2018. – 17 с.

⁶ SAP Industry Paper – Digital Oil and Gas. The Digital Oil and Gas Company. Inspire and Shape. The digital energy revolution. Studio SAP. 2017. с.13.

⁷ Мирзамахмудов Ж., Рахматуллаев Х., Норматов Б., Шек Е., Турсунова Р.. Совершенствование системы управления в нефтегазовом секторе. Ташкент. Центр экономических исследований, 2013 (www.cer.uz)

пасайишига олиб келувчи МТР заҳира ҳажмининг ўсиши натижасида харидлар ҳажми ва муддатларини прогнозлаштириш, етказиб бериш жадвалларининг шаклланиши, нефтегаз мажмуаси корхоналари таркибий бўлимларининг айланма ва пул маблағлари ҳажми билан таъминлаш жараёнларига салбий таъсир қилади. Заҳираларни нораціонал бошқариш суғурта тўловлари, солиқлар, сақлаш билан боғлиқ ҳаражатлар, юкларни қайта ишлаш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ошиши ҳисобига соф фойданинг қисқаришига олиб келади. Буларнинг барчаси активлар қийматининг ошишига ва уларнинг айланувчанлигининг пасайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПФ-4664-сон “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон “Рақамли иқтисодий ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида таъминот занжирини интеграцион режалаштириш соҳасининг назарий асослари ҳамда амалий жиҳатлари маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарларида ўрганилган.

Эркинс П. ва Ваннер Р. (Ekins P., Vanner R.), Ламберт Д.М. (Lambert D.M.), Онкал Д. (Onkal D.), Стадлер Х. (Stadtler H.), Бочкарев А.А., Бродецкий Г.Л., Дыбская В.В., Лукинский В.В., Лукинский В.С., Плетнева Н.Г., Прокофьева Т.А., Сергеев В.И., Солодовников В.В., Стерлигова А.Н., Уваров С.А., Эльяшевич И.П.⁸ ва бошқа хорижлик олимларнинг илмий ишлари

⁸ Lambert D.M. Supply Chain Management: Processes, Partnerships, Performance, 4th Edition / D.M. Lambert. – Ponte Vedra Beach, FL: Supply Chain Management Institute, 2014. – 463 p.; Ekins, P., and R. Vanner. Sectoral Sustainability and Sustainability Assessment Methodologies: A Review of Methodology in Light of Collaboration with the UK Oil and Gas Sector // Journal of Environmental Planning and Management. - 2007.; Onkal D. Supply Chain Management – Pathways for Research and Practice / D. Onkal. – InTech, 2011. – 234 p.; Stadtler H. Supply Chain Management and Advanced Planning. Third Edition / H. Stadtler, Ch. Kilger. – Berlin:Springer, 2004. – 512 p.; Бочкарев А.А. Планирование и моделирование цепи поставок: учебно-практическое пособие / А.А. Бочкарев. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2008. – 192 с., Бродецкий Г.Л. Управление запасами: учебное пособие / Г.Л. Бродецкий. – М.: Эксмо, 2007. – 400 с. – (Высшее экономическое образование); Дыбская В.В., Сергеев В.И.: под общей и науч. ред. В.И. Пузанова И.А. Интегрированное планирование цепей поставок/ И.А. Пузанова. – М.: Юрайт, 2014. – 320 с., Лукинский В.С., Лукинский В.В., Плетнева Н.Г., Прокофьева Т. А. Логистика и управление цепями поставок. – М.: Юрайт, 2018. – 459 с.; Стерлигова А.Н., Уваров С. А. Управление запасами в цепях поставок: Учебник. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2016. – 430 с.; Сергеев В.И. Управление цепями поставок. Учебник. – М.: Юрайт, 2015. – 480 с., Солодовников В.В. Методология

захираларни бошқариш ва логистика фаолиятини транспорт билан таъминлашни оптималлаштириш вазифаларига бағишланган.

Ушбу муаммонинг турли жиҳатлари маҳаллий олимлардан К.Х.Абдурахманов, О.К.Абдурахманов, М.Л.Турсунходжаев, Н.М.Махмудов, Н.А.Хашимова, Б.Б.Беркинов, Н.И.Неделькина, М.Р.Болтабаев, А.А.Ғуломов, Д.С.Насырходжаева, Ш.Н.Зайнутдинов, И.Э.Ивонина, М.Б. Хамидулин¹¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-59 «Саноатнинг юқори технологик тармоқларида инновацион кластерларни шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интеграцион режалаштириш асосида нефт-газ комплексидаги юқори технологик корхоналарни модий-техник таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефт-газ компанияси таъминот занжирининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда модий-техник таъминот жараёнини режалаштириш муаммоларини аниқлаш;

тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нефт-газ компаниясининг таъминот занжирида интеграцион режалаштириш усуллари ва технологиялари таркибини аниқлаш;

интегрированного планирования цепей поставок промышленных предприятий (на примере комплексов черной металлургии). – М.: ОАО «ИТКОР», 2017. – 334с. Стерлигова А.Н. Управление запасами в цепях поставок: Учебник. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2016. – 430 с.; Эльяшевич И.П., Левина Т.В. Логистика снабжения / И. П. Эльяшевич, Т. В. Левина. – М.: Изд. дом Гос. ун-та Высшей школы экономики, 2010, 104 с.

¹¹ Абдурахманов К.Х. Методологические основы управления предприятием (организацией): Монография. /Под редакцией акад. Абдурахманова К. Х. – Ташкент: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г. В. Плеханова», 2014. – 154 с. Абдурахманов О.К. Формирование комплексной системы управления охраной труда и её эффективность в Республике Узбекистан. Монография. – М., 2009; Беркинов Б.Б., Неделькина Н.И. Рыночная оценка имущественного комплекса предприятия в целях управления его стоимостью. – Ташкент, 2012 г.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: Иқтисод фанлари доктори дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2005. -40 б.; Гулямов А.А. Экономическая оценка воспроизводства основных фондов железнодорожной компании. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Санкт-Петербург, 2011 г.; Насырходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках: Автореф. дисс. докт. экон. наук. – Т.: АН РУз Институт экономики, 2011. -47 с. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. – Т.: Академия, 2006. – С.267; Ивонина И.Э. Совершенствование управления устойчивым развитием нефтегазовой промышленности Республики Узбекистан // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ташкент, 2012; Хашимова Н.А. Ўзбекистон Республикасида инвестицион салоҳият ривожланишининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ташкент, 2017; Хамидулин М.Б., Турсунходжаев М.Л. Развитие финансового механизма корпоративного управления Финансовые аспекты корпоративного управления. – Ташкент: Молия, 2008., 204 с.;

”Ўзбекнефтегаз”АЖ да интеграцион режалаштириш технологиясини жорий этиш заруриятини асослаш ва унинг моделини танлаш;

нефт-газ компанияси учун таъминот занжирларини интеграцион режалаштириш тартиби, шунингдек, унинг самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш услубий ёндашувини ишлаб чиқиш;

нефт-газ компаниясининг таъминот занжирида интеграцион режалаштиришни жорий этишга ташкилий ва услубий ёндашувни таклиф қилиш ва унинг ахборот-таҳлилий таъминоти тизимини ишлаб чиқиш;

интеграцион режалаштириш учун таклиф қилинган услубий ёндашувларни амалда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб “Ўзбекнефтегаз” АЖ таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг логистик хизмати фаолияти ҳисобланади

Тадқиқотнинг предметини нефт-газ корхоналарининг моддий-техник таъминот жараёни билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлилнинг мавҳум-мантқий усуллари, SCOR-модели, тизимли ёндашув, иқтисодий ва математик прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шўртан газ-кимё мажмуаси логистика хизматини самарали ташкил қилишни интеграцион режалаштиришда хизмат фаолиятининг барча параметрларини тактик ва стратегик жиҳатдан маҳсулотнинг бозор рақобатбардошлиги, захиралар ҳажмини оптималлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан қидирув, казиб олиш, қайта ишлаш қувватлари талабларига мувофиқ ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

жами етказиб бериш харажатлари таркибида логистика бошқаруви харажатлари улуши бошқарув ходимлари сонининг оптимал даражасига кўра 4-6 фоиз ва технологик талабларга кўра ишлаб чиқариш циклини ташкил қилишни эътиборга олган ҳолда захираларни сақлаш харажатлари 30-35 фоиз даражасида бўлиши асосланган;

буюртма бажарилиш даврининг давомийлиги, жами етказиб бериш харажатларига нисбатан моддий-техника захираларини сақлаш ва логистика харажатлари улушини ҳисобга олган ҳолда моддий-техника таъминоти ва логистика ходимлари фаолиятини баҳолаш асосида ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш зарурати асосланган;

етказиб бериш ва логистика харажатларини мақбуллаштириш, юклаш-тушириш жараёнига роботтехникасини жорий этиш ва қувур транспортини модернизация қилишни ҳисобга олган ҳолда Шўртан газ-кимё мажмуаси даромади ошишининг 2025 йилгача прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефт-газ компаниясининг таъминот занжирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс режалаштириш технологиясини амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди;

таъминот занжирининг умумий харажатларида захираларни сақлаш харажатларини логистика маъмурияти учун харажатларнинг оптимал миқдори

ҳисоблаб чиқилган;

логистика ва логистика ходимлари учун иш ҳақининг бонус қисмини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди;

Шўртан газ-кимё мажмуаси даромадларининг 2025-йилгача ўсиши прогноз параметрлари шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, халқаро консалтинг ташкилотларининг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси нефт-газ комплекси ва унга қарашли корхоналарнинг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий таклифлар, тавсия ва хулосалар саноат корхоналарида, хусусан Ўзбекистон Республикаси нефт-газ комплекси ва унга қарашли корхоналарда таъминот занжири бошқарувиغا асосланган МТТ самарадорлигини оширишнинг услубий асосларини янада ривожлантириш ва нефт-газ корхоналари таъминот занжирларидаги интеграцион режалаштириш сифати ва самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти компаниянинг рақобатбардошлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида таъминот занжирини бошқаришга асосланган нефт-газ корхоналарини ривожлантириш стратегиясини танлашда бир қатор усуллардан фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интеграцион режалаштириш асосида нефт-газ корхоналарини моддий-техника таъминоти самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шўртан газ-кимё мажмуаси логистика хизматини самарали ташкил қилишни интеграцион режалаштиришда хизмат фаолиятининг барча параметрларини тактик ва стратегик жиҳатдан маҳсулотнинг бозор рақобатбардошлиги, захиралар ҳажмини оптималлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан қидирув, қазиб олиш, қайта ишлаш қувватлари талабларига мувофиқ ташкил қилиш бўйича таклифлар Шуртан газ-кимё муажмуаси фаолиятига жорий этилган (Шуртан газ-кимё мажмуасининг 2021 йил 4 июндаги 030/2814-сон, “Ўзбекнефтгаз” АЖ 2021 йил 4 июндаги 03-17-5-сон маълумотномалари). Таклифнинг жорий қилиниши 2020 йил якунлари бўйича корхонанинг захиралар ҳажмини 20% камайитириш ва унга мос ҳолда логистик ҳаражатларнинг қисқаришига имкон берган;

жами етказиб бериш харажатлари таркибида логистика бошқаруви харажатлари улуши бошқарув ходимлари сонининг оптимал даражасига кўра ҳамда технологик талабларга кўра ишлаб чиқариш циклини ташкил қилишни эътиборга олган ҳолда захираларни сақлаш харажатлари даражаси бўйича

таклифлар Шўртан газ-кимё мажмуаси амалиётига жорий этилган (Шўртан газ кимё мажмуасининг 2021 йил 4 июндаги 030/2814-сон, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 4 июндаги 03-17-5-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф логистик жараёни оптимал ташкил қилиш негизида корхона захиралар ҳажмини 20% камайтириш имконини берган;

буюртма бажарилиш даврининг давомийлиги, жами етказиб бериш харажатларига нисбатан моддий-техника захираларини сақлаш ва логистика харажатлари улушини ҳисобга олган ҳолда моддий-техника таъминоти ва логистика ходимлари фаолиятини баҳолаш асосида ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш таклифи Шўртан газ-кимё мажмуаси персонални бошқариш амалиётига жорий қилинган (Шўртан газ-кимё мажмуасининг 2021 йил 4 июндаги 030/2814-сон, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 4 июндаги 03-17-5-сон маълумотномалари). Таклифнинг жорий қилиниши тегишли ходимлар томонидан вазифаларнинг аниқ, муддатида ва сифатли бажарилиши ҳисобига моддий-техника таъминоти ва логистика ходимлари меҳнат унумдорлигини 5 фоизга ошириш имконини берган;

етказиб бериш ва логистика харажатларини мақбуллаштириш, юклаш-тушириш жараёнига роботтехникасини жорий этиш ва қувор транспортини модернизация қилишни ҳисобга олган ҳолда Шўртан газ-кимё мажмуаси даромади ошишининг 2025 йилгача прогноз параметрлари бўйича таклифлардан корхона стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Шўртан газ-кимё мажмуасининг 2021 йил 4 июндаги 030/2814-сон, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 4 июндаги 03-17-5-сон маълумотномалари). Мазкур таклифлар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, логистика жараёни ва логистика каналларини модернизациялаш ҳисобига даромадни ошириш имкониятини яратган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар эълон қилинган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 5 та республика ва 2 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 168 бет ва иловалар ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Нефт-газ саноатида моддий-техник таъминот ривожланишининг назарий ва услубий жиҳатлари ва хусусиятлари**» деб номланиб, унда нефт-газ корхоналарининг моддий-техника таъминоти (МТТ) жараёнини ташкил этишнинг назарий асослари баён этилган, МТТ соҳасидаги асосий муаммолар аниқланган ва нефт-газ корхоналари логистика стратегиясининг ташқи ва ички муҳит омилларига боғлиқлилиги белгиланган, МТТ жараёнини оптималлаштириш мақсадида хорижий мамлакатларда кенг қўлланилаётган таъминот занжирларида режалаштириш усуллари ва технологиялари таҳлил қилинган. Таҳлил асосида, нефт-газ комплекси корхоналаридаги таъминот занжирларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи ва “Sales and Operations Planning” (S&OP) технологиясига асосланган интеграцион режалаштиришга янгича ёндашув ишлаб чиқилган.

Моддий-техник таъминотни бошқариш, корхонани ўз вақтида керакли сифат, ҳажм ва техник параметрларга эга ресурслар билан таъминлаш ҳисобига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Агар тизимнинг кириш сифати паст бўлса, юқори сифатли маҳсулотни олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, моддий техник таъминот кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёни сифатини ва натижада тайёр маҳсулот сифатини белгилайди.⁹

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналарини моддий техник таъминотига йўналтирилган маблағлардан оқилона фойдаланиш масаласи янада кескинлашмоқда. Нефт-газ саноатининг ўзига хослиги захираларни бошқариш тизимида маълум хусусиятларни келтириб чиқаради, одатда, нефт-газ корхоналарининг вақтинча сақлаш омборлари кенг қўламли моддий-техник ресурслар билан тўла бўлади.

Америкалик мутахассисларнинг фикрича, харид харажатларининг ҳар бир пасайиш фойизи фойда ошишининг 12 %га тўғри келади.¹³

Харид қилиш харажатларининг таркибий қисмларини камайтириш учун мақсадли ечимлар, шу жумладан бир қатор чора-тадбирлар талаб қилинади, улар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- компаниянинг ишлаб чиқариш бўлимлари учун моддий-техник

⁹ Миронова Г.В. Организация производства: уч. пос. Москва.: 2011 г., 142 с.

⁹ Сток Дж.Р., Ламберт Д.М. Стратегическое управление логистикой. Пер. с англ. 4-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2005. - 797 с.

¹³ Сток Дж.Р., Ламберт Д.М. Стратегическое управление логистикой. Пер. с англ. 4-е изд. – М.: ИНФРА-М., 2005. - 797 с.

ресурслар эҳтиёжларни режалаштириш ва МТР харажатларини меъёрлаштириш ва такомиллаштириш;

- ишлаб чиқаришда брактлардан (“нол нуқсонлар” сиёсати) ва МТРни таъминотчилар етказиб бериш пайтида йўқотишларни бартараф этиш;¹⁴

- ишлаб чиқариш чиқиндиларини максимал даражада камайтириш ва иккиламчи МТРлардан самарали фойдаланиш;

- имкон қадар, МТРни таъминотчилардан етказиб беришда оралик складларда сақлашни бартараф этиш;

- таъминотчилардан МТРларни имкон қадар катта юкларда транспорт воситаларининг юк ташиш имкониятларидан максимал даражада фойдаланган ҳолда ва минимал тарифлар билан етказиб бериш;

- омбор тизимининг барча даражаларида МТР захиралари даражасини камайтириш.¹⁰

Сотиб олиш, ташиш, сақлаш, (ликвидсиз товарларни) утилизация қилиш, омбор ишчилари меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланган молиявий маблағларни тежаш учун нефт-газ компаниялари ўз захираларини камайтириш ва моддий-техник таъминот (корхонани МТР билан таъминлаши) тизимини, корхонада самарали режалаштириш стратегиясини қўллаш орқали, оптималлаштиришга ҳаракат қилиши керак.

Нефт-газ компаниясининг таъминот занжири тўлиқ технологик ишлаб чиқариш жараёнига бирлаштирилган йирик тизимлар тўпламидан иборат. Аммо тармоқнинг ташкилий-иқтисодий ва технологик хусусиятлари доирасида, таъминот занжиридаги барча контрагентлар, шу жумладан, таъминотчилар ва истеъмолчиларни бирлаштириш зарурати ортиб боради. Бундай ўзаро боғлиқлик маълум даражада бутун таъминот занжирининг ишлашини таъминлайди.

Ҳозирги кунда етказиб бериш занжирларини мувофиқлаштирилган (интеграцион) режалаштириш, саноат мансублиги ва бозор капиталлашуви ҳажмидан қатъий назар, барча маҳаллий саноат компаниялари учун долзарб масала ҳисобланади. Ахборот технологиялари соҳасидаги илмий-техник тараққиёт таъминот занжирини интеграцион режалаштиришни жорий этиш ва уни компания бошқарувининг муҳим элементига айлантириш имконини беради.¹¹

Республикамиз иқтисодий фанларида мазкур йўналиш нисбатан ёш ва маҳаллий бизнес учун катта қизиқиш уйғотади. Логистика фаолиятини оптималлаштириш бўйича хорижий адабиётларда, таъминот занжирларини интеграцион режалаштириш анча кенг ўрганилган, аммо бугунги кунда интеграцион режалаштириш усулини амалий татбиқ этиш қийинлиги, бу


¹⁴ Сергеев В.И., Дыбская В.В., Зайцев В.И., Стерлигова А.Н. Логистика. Полный курс МВА. – М.:Эксмо, 2013. – 944 с.

¹⁰ Дыбская, В. В. Логистика в 2 ч. Часть 1: учебник. — Москва: Юрайт, 2019. — 34 с.

¹¹ Загребельская М.В. К вопросу совершенствования эффективности процесса материально-технического обеспечения нефтедобывающей компании // Евразийский международный научно-аналитический журнал «Проблемы современной экономики». – Санкт-Петербург, 2019. - №3, с. 198-202

борада вертикал интеграциялашган нефт-газ компанияларида бундай усулни амалга ошириш бўйича назарий ва услубий ишлар етишмаслиги билан боғлиқ.

Нефт-газ корхоналари таъминот занжири доирасида интеграцион режалаштиришни киритиш учун оптимал ечим S&OP (“Sales and Operations Planning”) (Сотиш ва операцияларни режалаштириш) логистика концепциясини жорий этиш ҳисобланади. Таърифга кўра, сотиш ва операцияларни режалаштириш “Sales and Operations Planning” компанияга талаб ва таклиф мувозанатини сақлашга ёрдам берувчи бизнес жараёнлар тўпламидир. Бу ойлик давр миқёсида амалга оширилади ва компаниянинг барча даражаларидаги бизнес функцияларини бирлаштиради (1-расм).



1-расм. S&OP (Sales and Operations Planning) жараёнининг босқичлари: стандарт модель¹⁷

Моддий-техник таъминот хизматининг фаолият юритишида S&OP технологиясини киритиш афзалликлари:

- захираларнинг қисқаришига тахминан 40%, баъзи ҳолатларда 70% гача эришиш мумкин;
- бошқарув қарорларини келишилган ҳолда қабул қилишда ташкилотлараро мувофиқлаштириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш ҳисобига кросс-функционал коммуникацияни яхшилаш;
- ресурслар билан боғлиқ эҳтимолий муаммоларни прогнозлаш;
- ташкилотлараро ва функциялараро ўзаро таъсир самарадорлиги ва бизнес режани ойлик ўзгартириш имконияти;
- барча бўлимлар учун ягона режа: моддий-техник таъминот, маркетинг, сотиш, ишлаб чиқариш, молия ва ҳоказо;

¹⁷ Уоллас Т., Сталь Р. Планирование продаж и операций: Практическое руководство. 3-е изд. /Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2010.

- бизнесни яхши назорат қилиш.¹⁸

Sales and Operations Planning ишлаб чиқариш режаси (MRP) ва қувватни режалаштириш (CRP) асосий календар режаларни ўрнини босмайди. Унинг вазифаси бизнесни режалаштириш, бевосита сотиш, маркетинг ва ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш орасидадир. Ушбу технология стратегик ва тактик режалаштириш ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди ва бозорнинг ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда талаб ва имкониятларни мувозанатлаштиради.

Таъминот занжири бўйича кенгаш (Supply Chain Council) мазкур логистика технологиясини SCOR-моделининг барча версияларида интеграцион режалаштириш учун энг яхши амалиёт сифатида тавсия этади. Уни турли соҳалар, ўлчамлар ва ташкилий шаклларнинг барча бизнес моделларида қўллаш мумкин.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар нефт-газ комплекси корхоналарида режалаштириш самарадорлигини оширишнинг катта захиралари мавжудлигини кўрсатади.

1-жадвал

Нефт-газ комплекси корхоналарида “Sales and Operations Planning” технологиясини жорий этишнинг ижобий таъсири¹⁹

Фаолият тури	Самара
Лойиҳани ташкил этиш	Лойиҳанинг капитал харажатлари: минус 2 % –3 % Лойиҳа давом этиш вақти: минус 5 % –20 % Ишламай қолишлар ва таъмирлаш қиймати: минус 5 % –15 % Зиддиятлар: минус 10 %
Углевод ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш: плюс 3 % –5 % Ижара харажатлари: минус 5 % –10 % Қудуқнинг ишламай қолиш вақти: минус 15% –25% Йўқотишдаги кечикиш тезлиги: минус 25 % –50 %
Углеводород логистикаси	Ишлов бериш ва сотиш маржаси: плюс 2 % Углеводород захиралари: минус 6 % Капитал харажатлар: минус 4 %
Операцион интеграция	Активлар рентабеллиги: плюс 5 % Активларнинг режадан ташқари тўхташ вақти: минус 15 % Операторларнинг қўшимча харажатлари: плюс 15 %
Инсон ресурслари	Харид қилиш функцияси қиймати: минус 15 % –20 % Ходимларни ёллаш вақти: минус 30 % –40 % Мақсадли харажатлар учун тўланмаган кунлар: минус 2–5 кун
Молия	Йиллик ҳисоботларни тайёрлаш кунлари: минус 40–50 кун Бюджетлаштириш ва прогнозлаш қиймати: минус 25 % –50 % Аудит қиймати: минус 20 % –40 %

¹⁸ Hobby J. and A. Jaeger. S&OP: An Opportunity to Lead from the Middle // Journal of Business Forecasting. - 2013. № 3. - P. 14-21.

¹⁹ SAP Industry Paper – Digital Oil and Gas. The Digital Oil and Gas Company. Inspire and Shape. The digital energy revolution. Studio SAP. 2017. с.13.

Мазкур технология нефт-газ компанияларида жорий этилган тақдирда, режалаштириш жараёнини қуйидагича шакллантириш тавсия этилади: 18-24 ойлик режалаштириш горизонти, режалаштириш даври – бир ой, қайта кўриб чиқиш частотаси – ойлик. Асосий режалаштириш даври, барча таркибий бўлинмалар ва бизнес-бирликларда консолидацияланган ечимларни қабул қилиш имконияти мавжудлиги сабабли, корпоратив даражада амалга оширилиши керак.

Қидирув ва қазиб олиш соҳасидаги стратегик режалаштириш, тайёр маҳсулотга прогнозланган талаб ҳажми ва нарҳини эътиборга олган ҳолда, қазиб олишнинг мақбул даражасига эришишни ҳисобга олиши керак, шунингдек, бирлик харажатларнинг назорат қилинаётган қисмида таннархни назорат қилиш керак. Таклиф қилинаётган интеграцион режалаштириш модели доирасида, вазифалар стратегик даражада шаклланади, шу асосида тактик даражада қарорлар қабул қилинади. Ўз навбатида, режалаштиришнинг тактик даражаси натижалари оператив режалаштириш мақсадлари ва ижро даражалари мақсадларида акс этади.

Режалаштиришнинг тактик даражаси бир ойлик давр кўринишида, ҳар ҳафтада биттадан, умумий 4 та мажлис кўринишида тақдим этилади.

1-мажлис. Фаолият таҳлили ва инновациялар режаси – ўтган ойдаги фаолият турлари, кейинги қадам режаларига тузатиш киритиш, яъни мавжуд режаларни янгилаш ва режалаштиришга яна бир ой кўшиш, шунингдек, инновацион фаолият режаси (ИТТКИ) муҳокама қилинади. Натижа: келишилган тақвим, бюджет, маркетинг фаолиятини баҳолаш, режалаштириш горизонтининг тасдиқланган инновацион режаси.

2-мажлис. Нархларни башорат қилиш ва сотиш режаси. Мақсад келгуси ойлар учун бозорда тайёр маҳсулотлар нарҳини прогноз қилиш ва ҳар бир товар гуруҳи учун тахмин қилинган нархга мувофиқ ойлар бўйича талабнинг кутилаётган ҳажминини аниқлашдан иборат. Бу босқич, нефт-газ қазиб олиш компанияси фаолиятини режалаштириш учун асос ҳисобланади. Натижа: режалаштириш горизонти учун нарх, структура ва талаб (сотиш) ҳажмининг янгиланган ва мувофиқлаштирилган прогнози.

3-мажлис. Қувватлар режасини ишлаб чиқиш – геологик қидирув, қазиб олиш ва ишлаб чиқариш режаларини мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш. Бу жараённинг асосий вазифаси тайёр маҳсулотга талабга мувофиқ мавжуд қазиб олиш ва ишлаб чиқариш қувватларини мувозанатлаштиришдан иборат. Натижа: геологик қидирув, қазиб олиш, ишлаб чиқаришнинг тасдиқланган режалари, товарлар захираси прогнози, харажатларни тахминлаш ва баҳолаш, аниқланган чекловларни бартараф этиш сценарийлари.

4-мажлис. Моддий-техник таъминот (МТТ) ва логистикани режалаштириш, якуний режаларни тасдиқлаш. Бу мажлис икки қисмга бўлиниши ёки бир неча кунлик танаффус билан ўтказилиши мумкин. Мажлиснинг биринчи қисми етказиб бериш режасини ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва қидириш режалари билан мослаштиришга бағишланган. Натижа:

режалаштириш горизонти учун МТТ ва логистика бўйича келишилган режа, МТР етказиб бериш бўйича тузилган ва имзоланган шартномалар.

Мажлиснинг иккинчи қисми якуний режалар, яъни сотиш режасини, кидирув, қазиб олиш, ишлаб чиқариш режаларини, МТТ ва логистика режасини, ва режалаштириш горизонтига мўлжалланган бюджетларни мувофиқлаштириш ва тасдиқлашга қаратилган. Компаниянинг стратегик мақсадлари билан келишилганидан сўнг, тасдиқланган умумлаштирилган режа таркибий бўлинмалар даражасига ўтказилади, бу ерда унинг асосида моддий-техник таъминот, логистика, молиявий режалари ҳисоблаб чиқилади.

Операцион режалаштириш даражаси келгуси 12 ҳафтага мўлжалланган ҳафталик давр кўринишида батафсил маълумот билан ифодаланади. Режалаштиришнинг тактик даражасида, белгиланган вазифаларнинг устуворлигини эътиборга олган ҳолда, маҳсулот гуруҳлари кесимида МТТ жадвали, ишлаб чиқариш жадвали, қазиб олиш жадвали, сотиш ва тарқатиш жадвалларини шакллантириш амалга оширилади.

Ижро босқичи кончилик компанияларга хос давр билан ифодаланади.

Таклиф қилинган Sales and Operations Planning даври нефт-газ қазиб олиш компанияси учун бозор тенденцияларига ўз вақтида, тез муносабат билдириш ва қазиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш имконини беради, асосийси МТТ режасини стратегик ва бизнес-режа билан боғлайди, бу эса нефт-газ қазиб олувчи компаниянинг моддий-техник таъминоти жараёнини самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилади.

Диссертациянинг **“Нефт-газ комплексидаги логистика фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг услубий воситалари”** деб номланган иккинчи бобида жами етказиб бериш харажатлари таркибида логистика бошқаруви харажатлари улуши бошқарув ходимлари сонининг оптимал даражасига кўра 4-6 фоиз ва технологик талабларга кўра ишлаб чиқариш циклини ташкил қилишни эътиборга олган ҳолда захираларни сақлаш харажатлари 30-35 фоиз даражасида бўлиши асосланган.

МТТ ва логистика ходимлари учун меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ҳисобот даври давомида (чорак, ярим йил, йил) уларнинг фаолиятини баҳолашнинг интеграл қийматидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақининг мукофот қисмини ҳисоблашнинг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган. Шунингдек, нефт-газ саноатининг замонавий тенденциялари таҳлил қилинган, уларнинг таъминот занжирида режалаштириш жараёнларининг хусусиятлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, 2030 йилгача саноатнинг барқарор ривожланиши, экологик тоза ва ресурсларни тежовчи технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда янги корхоналар ташкил этиш ва мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ҳисобига, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг сезиларли ошишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Узоқ муддатли истиқболда барқарор таъминот занжирини яратиш ҳам таъминот занжири харажатларини камайтиришда муҳим восита ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари таъминот занжирининг умумий харажатларида харажатлар улушини аниқлаш бўйича ўз талабларини кўяди. Бироқ, компаниянинг таъминот занжири бошқаруви соҳасидаги фаолиятини баҳолаш ва сезиларли салбий оғишлар кузатилган тақдирда кейинги тузатишлар учун харажатлар даражасини топиш муҳимдир. Таъминот занжирининг умумий харажатларида харажатларнинг оптимал улушини аниқлаш учун иерархияни таҳлил қилиш усули қўлланилади. Ушбу математик усул қарор вариантларини миқдорий баҳолашни аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, мезонлар учун таъминот занжирининг асосий харажат моддалари, алтернативлар учун эса SCOR-моделли бўйича таъминот занжири кўрсаткичлари қўлланилди. Натижада етказиб бериш занжирида қуйидаги харажатлар структураси олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Мақсад мезони учун вазн устунини қуриш ва оғирликни фоиз сифатида кўрсатиш

	Касрлардаги оғирлик	Фоизларда оғирлик
Таъминот харажатлари	0,224	22,4%
Логистика бошқаруви харажатлари	0,051	5,1%
Сотиш харажатлари	0,312	31,2%
Сақлаш харажатлари	0,334	33,4%
Транспорт харажатларииз сифатида кўрсатиш	0,079	7,9%

Шундай қилиб, сақлаш харажатларининг оптимал улуши таъминот занжирининг умумий харажатларида 30-35% ни, логистика маъмурияти харажатлари эса 4-6% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, белгиланган фоиз бошқарув ходимларининг оптимал даражаси ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологик талабларига мувофиқлиги билан самарали бўлади.

Моддий-техник таъминот ва логистика ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ҳисоб даври учун (чорак, ярим йил, йил) ходимлар фаолиятининг интеграл қиймати асосида ҳисобланган, моддий рағбатлантириш чораларини кўриш тавсия этилади. Бунинг учун, таклиф қилинган кўрсаткичлар орасидан МТТ ва логистика ходимлари фаолиятини беъвосита акс эттирувчи кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш ҳамда уларни МТТ ва логистика ходимлари ўртасида тенг равишда тақсимлаш керак (3-жадвал).

Белгиланган кўрсаткичлар бўйича ходимларнинг иш фаолиятини баҳолашнинг тавсия этилган услуб доирасида 10 балли тизимдан фойдаланиш тавсия этилади. Интеграл баҳолаш ходимларнинг иш сифатини акс эттиради ва иш ҳақининг қўшимча қисмини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Интеграл балл ≥ 5.0 га тенг бўлганда ишчига мукофот берилиши керак, мукофот ҳажми интеграл балл қиймати 10 баллга яқин бўлгани сари ошиб бориши керак.

Интеграл баҳо <5.0 га тенг бўлганда, ходим стандарт кўрсаткичларни бажармаган ҳисобланади ва бу ҳолда унинг иш ҳақи миқдори кафолатланган миқдорига тенг бўлади.

3-жадвал

МТТ ва логистика ходимларининг иш фаолиятини баҳолаш учун тавсия этилган кўрсаткичлар тизими²³

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич оғирлиги (H_i)	Норматив қиймат ($KPI_{план}$)	Ҳақиқий қиймат ($KPI_{факт}$)	Рухсат этилган оғиш (ε)	Фаолиятни баҳолаш (M_i)	Кўрсаткич бўйича рейтинг ($H_i \times M_i$)
1.	Кирувчи етказиб бериш сифати	H_1	$KPI_{пл1}$	$KPI_{фкт1}$	ε_1	M_1	$H_1 \times M_1$
2.	Буюртмани бажариш циклининг давомийлиги, кунлар	H_2	$KPI_{пл2}$	$KPI_{фкт2}$	ε_2	M_2	$H_2 \times M_2$
3.	Ҳодисага ўртача жавоб вақти, кунлар	H_3	$KPI_{пл3}$	$KPI_{фкт3}$	ε_3	M_3	$H_3 \times M_3$
4.	Таъминот занжири умумий харажатларида моддий-техника ресурсларини сақлаш харажатларининг улуши, %	H_4	$KPI_{пл4}$	$KPI_{фкт4}$	ε_4	M_4	$H_4 \times M_4$
5.	Таъминот занжири умумий харажатларида логистика харажатларининг улуши, %	H_5	$KPI_{пл5}$	$KPI_{фкт5}$	ε_5	M_5	$H_5 \times M_5$
Интеграл баҳо:							$\sum_{i=1}^n (H_i \times M_i)$

Нефт-газ соҳаси Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. 2019 йилда Ўзбекистоннинг ЯИМдаги нефт-газ саноатининг улуши 15 %, саноат ишлаб чиқариш таркибида 18,3 %, маҳсулот экспортида 23 %ни ташкил этди. 2019 йилда давлат бюджетига тўғридан-тўғри солиқ ва божхона тушумларининг 22 % нефт-газ соҳасидан тушди. Экспорт ҳажми 10,3 % га ошди. Юқоридаги кўрсаткичлар саноатни ривожлантиришнинг миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятини кўрсатади, аммо қўшни мамлакатларда (Россия ва Қозоғистон) шунга ўхшаш кўрсаткичлар анча юқори эканлигини таъқидлаш керак. Саноатни ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларида режалаштирилган инвестицияларнинг 57% нефт-газ секторига тўғри келади.¹²

Миллий иқтисодиёт ривожини оқилона энергия таъминотисиз тасаввур этиш мушкул. Нефт-газ тармоғининг барқарор ривожланиши яқин истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаш масаласини ҳал этмай таъминлашнинг иложи йўқ.

²³ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материалари

Ҳозирги кунда Ўзбекистон табиий газга ички эҳтиёж ва хорижда ортиб бораётган “зангори оловга” талабни тўлиқ қондирмоқда. Нефтни қазиб олиш вазияти эса бирмунча ўзгача. Захиралар ҳажмида сезиларли ўсиш бўлмаганлиги сабабли хом нефт-газ ва ундан олинувчи ярим тайёр маҳсулотлар импорти ҳажми ортишига сабаб бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш ҳолатида, маҳаллий конлар етишмаслиги сабабли, Ўзбекистонга хом нефт-газ импорти ортиб бориши мумкин.

Жаҳон бозоридаги углеводородлар нархи кўтарилиши, суюқ энергия (суюлтирилган газ) ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши билан бир қаторда сланецли газ ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан боғлиқ табиий газ нархларининг прогноз қилинаётган ўрта муддатли пасайиши Ўзбекистонда нефт-газ саноатини ривожлантириш билан боғлиқ тезкор чора-тадбирлар қабул қилишни талаб этмоқда.

Нефт-газ корхоналарининг моддий-техник таъминоти жараёнининг муаммоларини аниқлаш учун, нефт-газ компанияларининг таъминот занжирида логистика фаолияти ва мавжуд режалаштириш тизимининг таҳлили амалга оширилди.

Нефт-газ компанияларининг логистик тизимини таҳлил қилиш учун таъминот занжирларида операцияларнинг референт модели – SCOR-модели (Supply Operations Reference model) қўлланилган, шунингдек, маҳаллий (“Ўзбекнефтегаз” АЖ таркибига киритилган) ва хорижий (ERIELL Group) нефт-газ ишлаб чиқарувчи компанияларнинг логистика ва МТТ соҳасидаги мутахассислар фикрлари ўрганилди. SCOR модели хорижий амалиётда кенг қўлланилади. Бу моделни энг оддий ва мураккаб таъминот занжирларини тавсифлаш учун қўллаш мумкин. Натижада, таъминот занжирларининг деярли ҳар бир тармоқ тузилиши тавсифининг интеграцион тузилишини олиш мумкин.

МТТ доирасида “Ўзбекнефтегаз” АЖ таъминот занжиридаги асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

- аниқ шаклланган логистика стратегияси мавжуд эмаслиги, мавжуд логистика фаолиятида логистик ҳаражатларининг жуда юқори, яъни товар нархида 25 %дан юқори улушига эгаллиги, АҚШ ва Ғарбий Европада эса атиги 11-12 %. Эксплуатация ҳаражатлари улуши 28-30 %ни ташкил этади, бу етакчи хорижий компаниялар улушига нисбатан анча юқори;

- таъминот занжирлари ва МТРдан фойдаланишда оқилона бошқарув мавжуд эмаслиги. Баъзи корхоналар омборларида маълум бир моддий ресурслар эркин мавжуд бўлиши ва шу билан бирга бошқа корхоналарда уларнинг танқислиги юзага келиши мумкин, бу эса молиявий ресурсларни сафарбар қилиш, белгиланган тартибда харидларни талаб этади, бу вақт ва шунга мос равишда даромад йўқотилишига сабаб бўлади;

- ягона ахборот тизими мавжуд эмаслиги, бу, ўз навбатида, қазиб олиш маълумотларининг сифати пастлиги, қарорларнинг ўз вақтида қабул

қилинмаслиги ва мутахассисларнинг ҳисоботларни тайёрлашга кўп вақт сарфлашига олиб келади (70-90 %).¹³

Нефт-газ компаниясининг логистик тизими таҳлил қилинганда, нефт-газ компанияларида қўлланилувчи ахборот тизимлари ўртасида интеграция мавжуд эмаслиги аниқланди.

